
Фурқатлик байдарка ва каноэ бўйича Осиё чемпионати ғолиблари тақдирланди

Жорий йилнинг 26-30 апрел кунлари 12 дан ортиқ давлатнинг спортчилари иштирокида Самарқанд туманидаги сайёҳлик маркази ҳудудида жойлашган эшкак эшиш каналида ўсмирлар ва ёшлар ўртасида байдарка ва каноэда эшкак эшиш, шунингдек, параканое бўйича Осиё чемпионати мусобақалари ўтказилди

[Аввал хабар берганимиздек](#), ушбу мусобақаларда совриндорлар қаторида фурқатлик 4 нафар ёшлар ҳам бор.

Бугун туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов, мутасадди ташкилотлар билан биргаликда Осиё чемпионларини қутлаш учун ташкилланган учрашувда тўпланди.

Чемпионларни устоз-мураббийлари ва спорт мактаби тарбияланувчилари, аҳоли вакиллари иштирокида эришган ғалабалари эътироф этилди.

Спортчилар ва уларнинг ота-оналарига иззат-икром кўрсатилиб, туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Эслатиб ўтамиз, катталар ўртасида 2 кишилик баҳсларда Камронжон Ахтамов 1000 метр ва 500 метр масофаларда биринчи бўлиб, 2 та олтин медални, 18 ёшли Хумоюнмирзо Мақсудов яккалик 1000 метр масофадаги баҳсларда 3-ўринни эгаллаб, бронза медални, 4 кишилик 500 метр масофадаги баҳсларда Асилбек Тўхтаназаров 2-ўринни эгаллаб, кумуш медални, ҳудди шу масофадаги баҳсларда Гуландон Иброхимова 1-ўринни эгаллаб, олтин медал соҳибларига айландилар.

2023-05-01 19:21:34